



O'ZBEKISTON  
YOSHLAR  
ITTIFOQI

2018-YIL 7-IYUN  
PAYSHANBA

www.yoshlarovozi.uz  
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

67  
(16224)

# YOSHLAR OVOZI

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЦИНДАО ШАХРИДА БЎЛАДИГАН ШҲТ САММИТИДА ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 8-10 июнь кунлари Хитой Халқ Республикасида бўлиб, Шанхай ҳамкорлик ташкилати Давлат раҳбарлари кенгашининг Циндао шаҳрида ўтадиган ўн саккизинчи мажлисида иштирок этади.

ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари илк бор Ҳиндистон ва Покистоннинг тўла ҳуқуқли аъзо сифатидаги иштирокида йиғилдилар, ташкилот фаолиятини янада такомиллаштиришнинг истиқболли йўналишлари, минтақавий хавфсизлик, иқтисодий ва инвестициявий шерикликни кенгайтириш, транспорт-коммуникация соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш масалалари ҳамда кўп томонлама кооперациянинг бошқа жиҳатларини муҳокама қилдилар.

Давлат раҳбарларининг мажлиси якунида Циндао декларацияси қабул қилиниши, Терроризм,

сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича 2019-2021 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, Узоқ мuddатли яхши кўшнчилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома қондаларини амалга ошириш бўйича 2018-2022 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар режаси, Ёшларга қўшма мурожаат ва бошқа ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

Фикр алмашувлардан сўнг 2018-2019 йилларда ташкилотга раислик қиладиган давлат тўғрисида қарор қабул қилиш, кейинги уч йиллик даврга ШҲТ бош котиби ва Минтақавий аксилтеррор тузилиши Ижроия қўмитаси директори лавозимларига номзодларни тасдиқлаш кўзда тутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ШҲТ саммити доирасида икки томонлама қатор учрашув ва музокара-лар ўтказди.

ЎЗА

## ЭНДИ ВАЗИЯТ ЎНГЛАНАДИ

Республика ишчи гуруҳи Чилонзор туманидаги 51 маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳит ҳамда ёшлар муаммоларини ўрганмоқда



С. ТУРАЙҚУЛОВ

3-саҳифага қаранг

## ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ I ҚУРУЛТОЙИГА

23  
КУН ҚОЛДИ

Ёшлар иттифоқи кўмаги билан сирдарёлик Саиджон Холов балиқчилик йўналишида фермерлик фаолиятини бошлаш учун банкдан 120 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит олиб, ҳўжалигини давлат рўйхатидан ўтказди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### 2018/2019 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Республика иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларида эҳтиёж юқори бўлган мутахассислар бўйича юқори малакали мутахассисларни сифатли тайёрлашни таъминлаш, бакалавр ва магистрларни тайёрлашда иш берувчиларнинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда сон ва таълим йўналишлари уйғунлигига эришиш, олий таълим муассасалари битирувчилари меҳнатдан тартим ҳудудия ва мақсадали олин-ҳаллар портфелларини инобатга олган ҳолда фойдаланишни яхши-лаш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Фаол тадбиркорлик, инновацион фойлар ва технологияларни қўллаб-қув-ватлаш йилида амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ:

1. Мавдумот учун қабул қилин-

синки, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабат-лари вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда давлат ҳамда хў-жалик бошқаруви органлари, маҳал-лий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар иштирокида:

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2015 йил 23 июндаги "Республика олий таълим муас-сасаларига ўқишга қабул қилиш параметрларини шакллантириш механизминини янада такомил-лаштириш чора-тадбирлари тўғри-сида"ги ПҚ-2360-сонли қарорига мувофиқ олий таълим муассаса-ларига ўқишга қабул қилиш ва иш берувчиларнинг олий таълим муас-сасалари битирувчиларига бўлган талаби параметрларининг баланс ҳисоб-китоби ишлаб чиқилад;

(Давоми 2-саҳифада)

## ANJUMAN

### ИЛДИЗИГА ҚАРАШ КЕРАК

Пойтахтимизда "Уюшмаган ёшлар билан ишлаш тизими самардорлигини ошириш: муаммо ва истиқболлар" мавзусидаги II халқаро илмий-амалий конференция ўз ишини якунлади

Икки кун мобайнида маҳаллий ва хорижий экспертлар ижтимоий жиҳатдан нофаол ёшлар қатламини уюштириш учун нима қилиш кераклиги, уларнинг ижтимоий-руҳий ҳолатини ўрганиш, касб-ҳўнарга йўналтириш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликдан қайтариш йўллари ҳусусида фикр алмашди.

Мамлакатимиз қонунчилигида "уюшмаган ёшлар" тушунчасига ҳанузгача таъриф берилмаган-ни қайд этилиб, унинг ўрнига "вақтинча ижтимоий нофаол

ёшлар" иборасини муомалага киритиш таклиф қилинди.

Конференцияда қатнашган мутахассисларнинг фикрича, ижтимоий нофаол ёшлар қатлами асосан таълим тизимидаги камчи-ликлар туфайли пайдо бўлмоқда. Зотан, бутун юртимиздаги йи-гит-қизларнинг атиги 15-20 фоизи олий маълумотга эга. Бу анча паст кўрсаткич. Боз устига, аксарият ёшларимиз касб-ҳўнар коллежини тамомлаган бўлишига қарамай, етарли малакага эга эмас. Натижа-

да улар иш топишда қийналяпти. Муаммонинг ечими сифатида илм доиралари олий ўқув юрталари учун квоталар, шунингдек, касбга йўналтирувчи тўғараклар сонини оширишни таклиф қилмоқда. Зеро, интеллектуал салоҳияти юқори инсон жамиятда ҳам фаол бўлиш-га интилиши ҳаётда ўз ибодатини тогган ҳақиқат.

Халқаро тажрибанинг кўрсати-шича, эътиборсизлик уюшма-ган ёшлар контингентини пайдо қилувчи яна бир омилдир. Бизнинг



шароитда муаммони фақат оила, маҳалла, ёшлар ташкилати ҳамда таълим муассасалари ҳамкорлиги-ни мустаҳкамлаш йўли билангина бартараф этиш мумкин. Ҳарқалай, экспертларнинг хулосаси шундай. Ҳар бир ёш билан индивидуал шўғулланилса, ўзига бўлган ишон-чи оширилса, у жамиятда муносиб ўрин топишга интилиши муқаррар. Конференция якунида учта шўба кесимида энг фаол ишти-рокчилар аниқланиб, диплом ва эсдалик совғалар билан тақдир-ланди.

Санжар ЭШМУРОДОВ

## UJODIY TANLOV

### УМР БАҲОРИНИНГ ДОҚИЙ ТАСВИРЛАРИ



Республика ёшлар мар-казининг Қорақалпоғистон бўлимида тасвирий санъат тўғараклари ўқувчилари ўрта-сида "Юртим ёшлари ҳаёти" деб номланган танловнинг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди. Унинг доирасида ёш мўйқалам соҳиблари томонидан турли жанр ва ранглар палитрасида яратилган ижодий ишлар кўр-газмаси ҳам ташкил қилинди. 10 - 14 ёш тоифасида

биринчи ўринга Шуманай тумани вакили Қолдас Жолда-сов, 15 - 18 ёш тоифасида эса, нукуслик Нуратдин Казбеков сазовор бўлди.

Ғолиблар муносиби тақдир-ланди. Клара ХУДАЙБЕРГЕНОВА

## MUNOSABAT

### БАҲОЛАШ ТИЗИМИ ЎЗГАРАДИ

Дўстимнинг айтишича, бир неча йил аввал қишлоғидаги илгари умумий фойлинишда бўлган, кейинчалик фаолияти тўхтаган ҳаммом арзон нарх-да баҳоланиб, хусусийлаштири-лади. Уни сотиб олган тадбиркор эса, ундаги турли буюмларни бино нархидан-да қимматга сотиб, фойдалан-ган. Ери ва иншоотлари ҳам пулланиб, қўлдан-қўлга ўтиб кетган. Афсуски, бир пайтлар бундай номанқул ишларни ҳар бир ҳудудда кузатиш мумкин эди.

Ўз вақтида давлат бошқаруви органлари кўлаб объек-тларнинг хусусийлаштирилгани тўғрисида қарор чиқарган бўлса-да, тегишли ҳужжатлар мол-мулк эгалари қўлига етиб бормаган. Натижада фойда-ланишга топширилиши керак бўлган объектларда иш тўхтаб, тайёр корхонаку заволлар яроқсиз ҳолга келган.

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2018 йил 1 июндаги "Баҳолаш хизмат-лари бозорини янада риво-жлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарориди соҳа-даги бу каби қатор муаммо ва камчиликларни бартараф этиш борасида зарур чора-тадбир-лар белгиланди.

Хусусан, эндиликда баҳо-лаш фаолиятини лицензиялаш ва баҳолаш ташкилотлари устав капиталининг энг кам миқдорига бўлган талаб бекор қилинмоқда. Шунингдек, амал-даги мулкни баҳолаш миллий стандартлари қайта кўриб чиқи-либ, халқаро стандартлар билан уйғунлаштирилади.

Янги стандартларини тас-диқлаш ҳамда амалгагиларни ўзгартириш, уларга қўшим-чалар киритиш ёки ўз кучини йўқотган деб топил Ўзбеки-стон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги томонидан амалга оширилади. Айтиш

керак, аввал мазкур вазифани Хусусийлаштирилган корхона-лари бозорини янада риво-жлантириш чора-тадбирлари тўғрисида қарориди соҳа-даги бу каби қатор муаммо ва камчиликларни бартараф этиш борасида зарур чора-тадбир-лар белгиланди.

Яна бир янгилик. Баҳолов-чининг малака сертификати эндиликда Корпоратив бошқару-в илмий-таълим маркази то-монидан берилади. Президент қарорига кўра, 2018 йил 1 июлдан бошлаб мазкур марказда баҳоловчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича махсус курслар таш-кил этилади. Бундай тажриба эвазига малакали мутахассис-ларнинг кўпайишига замин яратилиб, нотўғри қарорлар қабул қилиниши бартараф эти-лади. Хусусий мулк эгаси эса, оворагарчилик ва қоғозбозлик-дан қутулади.

Жавлон ВАҒОЕВ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИНГ МАМЛАКАТДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИСЛОҲОТЛАРДА ФАОЛ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда мамла-катимизда ижтимоий-иқти-содий ривожланишнинг усту-вор йўналишларига ҳамда халқаро стандартлар талабларига мос келадиган олий таълим тизими яратиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳудудларда янги олий таълим муассасаларининг ташкил эти-лиши, кадрлар тайёрлашнинг за-монавий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ҳамда сиртки ва кечки бўлимларнинг очилиши, олий таълим муассасаларига қа-бул квоталарининг оширилиши мазкур йўналишдаги муҳим ис-лохотлар ҳисобланади.

Шу билан бирга, олий таълим муассасаларида таълим сифатини оширишга, республикада амалга оширилаётган кенг қамровли ис-лохотлар, ижтимоий ва иқтисо-дий соҳалардаги янгилинишлар-да ушбу муассасаларнинг фаол

иштирокчини таъминлашга тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда, хусусан:

**Биринчидан**, олий таълим ти-зимини ўқитишни ташкил этиш жараёни, таълим олаётган тала-балар билиминин баҳолаш тизими бутунги кўп талабларига жавоб бермаётти;

**Иккинчидан**, профессор-ўқи-тувчиларнинг фаолиятини, били-минини ва педагогик кўникмасини баҳолашнинг замонавий тизими мавжуд эмаслиги таълим сифати-га салбий таъсир кўрсатмоқда;

**Учинчидан**, олий таълим муас-сасаларига қиринг тест саволлари абитуриентнинг мантқий фикр-лаш қобилиятини аниқлаш имко-нини бермаётганига иқтидорли ёшларни олий таълим муассаса-ларига қабул қилишда муаммолар келтириб чиқармоқда;

(Давоми 2-, 3-саҳифаларда)



БИР ҚАДАМ ОЛДИНГА 3



"БИЗ НИШОНДАМИЗ,  
ҚУЛОҚЛАРИМНИ ЁП!" 4



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИНГ МАМЛАКАТДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИСЛОХОТЛАРДА ФАОЛ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми, бошланиш 1-, 2-сиффала)

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда олий таълим муассасалари талабаларини илмий фаолиятга йўналтиришга ва уларда инновацион фикрлашни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин, унда қуйидагилар назарда тутилсин:

янги гоа ва ташаббусларни шакллантириш мақсадида ҳар бир олий таълим муассасасида "Ёш экспертлар гуруҳи"ни ташкил этиш;

ўқув машғулотларини талабаларни инновацион фикрлашга йўналтирадиган ўқитиш технологиялари ва интерфао услубларини жорий этиш асосида ташкил этиш, асосий эътиборни талабаларнинг мушакил таълим олиши билан

боғлиқ механизмларни амалга оширишга қаратиш;

ҳар бир олий таълим муассасасида 1-курс давомида саралаб олинган энг иқтидорли талабалар учун алоҳида гуруҳлар ташкил этиш (мазкур гуруҳлардаги талабалар сони олий таълим муассасаси томонидан белгиланади), 2-курсдан уларни ўқитишни алоҳида ўқув режа ва дастурлар асосида амалга ошириш, ушбу тоифадаги талабаларни магистратурага мақсади қабул қилиш ва бу орқали олий таълим муассасалари кафедралари учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимини жорий этиш.

12. Ёш олим ва талабаларга ҳамда ташаббускор фуқароларга мамлакатда инновацион гоа ва технологияларни ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси учун топширилаётган "Инновацион гоалар етакчиси" кўрак нишони таъсис этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги,

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда "Инновацион гоалар етакчиси" кўрак нишони тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида Ҳукумат қарори лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш буйича "Йул харитаси" иловага мувофиқ тасдиқлансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд вазирлик ва идоралар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда бир ой мuddатда мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг мазмуни ва моҳиятини телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситаларида тушунтириш буйича

чиқишларни ташкил этиш юзасидан ҳар бир олий таълим муассасасининг йиллик режа-графикини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тузилмасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетте маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган қўшимча 2 та штат бирлигини ажратган ҳолда Ахборот хизматини ташкил этиш;

олий таълим муассасалари тузилмасида уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган қўшимча 1 тадан штат бирлигини ажратган ҳолда матбуот котиби лавозимини жорий этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда:

а) олий таълим муассасаларини замонавий ўқув, ўқув-методик ва

илмий адабиётлар, даврий журналлар билан таъминлаш, ахборот-ресурс марказлари фондларини мунтазам равишда янгилаб боришни;

илгор хорижий ўқув ҳамда илмий адабиётлар ва журналларни харид қилиш ишларига кенг имкониятлар яратиш, энг янги хорижий адабиётларни таржима қилиш ва ўқув жараёнига жорий этишни назарда тутадиган Ҳукумат қарорини қабул қилсин;

б) Олий таълим муассасалари талабаларининг малака амалиётини ўташ тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда:

а) бир ой мuddатда қуйидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

олий таълим муассасаларига халқаро илмий-техник маълумотлар базаларидан фойдаланишга шароитлар яратиш, профессор-ўқи-

тувчиларнинг илмий натижаларини халқаро миқёсда кенг нашр этиш, республика етакчи илмий журналларининг босқичма-босқич юқори импакт-факторга эга бўлишини таъминлаш;

олий таълим тизимида бошқарув жараёнларини ахборот-коммуникация технологиялари асосида оптималлаштириш, мавжуд ахборот тизимларини интеграциялаш, таҳлилий маълумотлар тайёрлашнинг самарали тизимларини жорий этиш;

б) абитуриентлар ҳужжатларини электрон шаклда қабул қилиш тизимини босқичма-босқич яратиш буйича 2019 йил 1 январгача бўлган мuddатда чора-тадбирлар ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.С.Қосимов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б.Муродов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У.Маджидов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2018 йил 5 июнь

## OGONLIK — DAVR TALABI КЕРАКЛИ МУЛОҚОТ



Шоҳрух ИБОДУЛЛАЕВ

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида диний экстремизм ва терроризм билан курашиш тарғиботи бағишланган учрашув ташкил қилинди.

Унда дин пешволари, олий ўқув юрти ўқитувчилари, Ёшлар иттифоқи етакчилари ва талабалар қатнашди.

Тадбирни институтнинг маънавий-маърифий ишлар буйича проректори Қувондиқ Қодиров очиб, мавзунинг долзарблиги ҳақида тўхтади. Шундан сўнг Қорақалпоғистон Респуб-

ликаси Давлат хавфсизлик хизмати масъул ходимлари, Ёзувчилар уюшмаси аъзолари ҳамда Нукус шаҳридаги Имом Эшон Муҳаммад жоме масжиди вакиллари ёшлар билан мулоқот олиб борди.

Яқунда йигит-қизлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мутахассисларга мурожаат этди.

## YUKSALISH “Ёшлик”даги Ўзгаришлар

Сумбулой НУРМЕТОВА

“Обод қишлоқ” дастури доирасида Урганч туманидаги “Ёшлик” маҳалласида Ёшлар иттифоқининг маҳаллий кенгаши, туман хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият ва маърифат маркази томонидан ҳудуддаги ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилашга қаратилган ташаббуслар амалга оширилмоқда.

Хусусан, маҳалладаги вақтинча ишсиз ёшлар учун қандалатчилик, тикувчилик ва бошқа йўналишларда тўғарақлар фаолияти йўлга қўйил-



ди. Бундан ташқари улар малакали шифокорлар томонидан тиббий кўриқдан ўтказилди.

Жисмоний имконияти чекланган йигит-қизлар ҳолдан ҳам хабар олиниб, совғалар улашилди. Уйда яққа тартибда таълим олаётган болаликдан ногирон Комила Хониезова шеърятга қизиқади. У мутасаддиларга ўз ижод намуналаридан ўқиб берди. Энди унинг шеърларини тўплам ҳолда чоп этишга амалий ёрдам кўрсатилади.

Яна бир қувончли воқеа: “Ёшлик” аҳолисининг талабига биноан яқинда маҳалла болалари учун янги ўйингоҳ қуриб берилди. Бундай ўзгаришлардан юртдошларимиз мамнун.

## TAJIRIBA НЕМИСЛАР ЖЎЖАНИ Қандай боқади?

Шавкат ҚАРОМОВ

Қарши шаҳрида ёш тадбиркорлар учун “Бизнесла муваффақият ва мағлубият омиллари” мавзуда давра суҳбати ташкил этилди.

Унда “Wiesenhof” фермаси (Германия) бош менежери Нуриддин Умиров иштирок этиб, паррандачиликни ривожлантиришга доир немис тажрибаси билан ўртоқлашди. Тадбирни Ёшлар иттифоқининг Қашқадарё вилояти кенгаши раиси Шомурод Сатторов очиб берди.

Паррандачилик — етти ҳазинанинги бири, — таъкидлади у. — Шу боис юртимизда мазкур йўналишда фаолият олиб боришга иштиёқман одамлар сони тобора кўпаймоқда. Меҳнатидан қочмас, тадбиркор, албатта, катта даромад эгаси бўлади.

Давра суҳбати савол-жавобларга бой ўтди. Германияда ўз фаолиятини олиб бораётган Нуриддин Умиров жўжалар парваришида кузатиладиган айрим қийинчиликлар ҳусусида тўхталиб, қизиқарли тақдиротини намойиш этди. Соҳанинги бошқа нозик ҳусусиятлари тўғрисида ҳам батафсил маълумот берилди.

## ESHITDINGIZMI? РАҲБАРЛАРНИНГ 68 ФОИЗИ ЯНГИЛАНДИ

Мироншоҳ ЭРКИНОВ


Миллий матбуот марказида мамлакатимизнинг раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш соҳасидаги тажрибаси таҳлил қилинди. Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси ташкил этди.

Матбуот анжумани чоғида мутахассислар давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 8 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг ма-

лақасини оширишнинг самарали тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳусусида батафсил тўхтади. Унга мувофиқ, Академия таркибий бўлинмаларини асарият раҳбар кадрлар янгилангани таъкилданди. Шунингдек, давлат бошқаруви органлари билан ҳамкорликда муассасанинги ўқув дастурлари таҳлил қилиниб, экспертлардан ўтказилган. Тингловчилар учун ўзбек давлатчилиги тарихи, миллий қадриятларимиз, таниқли адиблар ижодида доир семинар-тренинглр ҳам ташкил этилган.

Анжуман якунида истиқболли бошқарув кадрларини танаб олиш мақсади эълон қилинган ва ҳар уч йилда бир мартаба ўтказилган “Тараққиёт” республика танлови ҳақида маълумот берилди.

## JAMOATCHILIK NAZORATI



## ЭНДИ ВАЗИЯТ ЎНГЛАНДИ

Халқни рози қилиш одамларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, муаммо ва эҳтижларини ўрганишдан бошланади. Бугун айнан шу тамойилга амал қилиб яшаймиз. Ўз навбатида, турли даражадаги мутасадди раҳбарлар ҳам халқ билан мулоқот қилишни қанда қилаётгани йўқ.

Нозима МИЯССАРОВА

Шу кунларда пойтахтимизнинг Чилонзор туманида республика ишчи гуруҳи фаолият олиб бормоқда. Унинг аъзолари 51 маҳалладаги ҳар бир хонадонга кириб, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳит, аҳоли, хусусан, ёшларни қийнаётган муаммоларни аниқлаштириш ва бартараф этиш чораларини қўрапти.

Муаммоларнинг асосий қисми ишсизлик билан боғлиқ. Баъзи тенгдошларимизда тадбиркорлик билан шуғулланиш истаги бўлса-да, аммо сармоясига

Мутасаддилар кўча-кўйда учраган одамларнинг мурожаатларига ҳам қўлоқ тутди. Асосий муаммо ўша — бандалик.

Оғир турмушдан эзилб кетган Муҳайе Мусабоева бизга дардини тўқди. Аёлининг турмуш ўртоғи елкасидан жароҳат олиб, меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолган экан. Фақат 27 йашар ўғли — Сирожиддин автомобилларни таъмирлаш шохобчасида ишлаб, рўзғор тебратиш келаётганди. Аммо бир йил аввал у ҳам автохалокатга учради — умуртқаси шикастланган. Ҳозир анча-мунча юмушга ярамай қолган. Шундай бўлса-да, маҳалладошларининг уйда қоғоз қутилар ясаш билан шуғулланиб, тўрт-беш сўм топаяпти. Афсуски, бу ҳақто ўзининг эҳтижларини қондиришга етмайди. Бағдликка кўмаклашиш маркази амалий ёрдам беришни ваъда қилди.

Чилонзор туманида урганиш ишлари давом этмоқда.

## БИР ҚАДАМ ОЛДИНГА



Жавлон СОДИҚОВ

Самарқанд вилояти ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турувчи 150 нафар воёга етмаган ўғил-қизни Ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгаши “Ёшлар — келажақ бунёдкори” деб номланган лойиҳага жалб этди.

Иштирокчилар учун психолог семинар-тренинглр, турли учрашувлар, спорт мусобақалари, маданий тадбирлар ташкил этилди. Буларнинг барчаси

ёшларнинг ижтимоий қайфиятини кўтариш, тарбиясини яхшилашга хизмат қилади.

Дастлаб йигит-қизлар кўҳна Самарқанднинг тарихий обидаларини зиёрат қилиб, сўнгра қўшни



Ёшлар иттифоқи вакиллари ҳамда психологлар билан индивидуал суҳбатлар кутмоқда. Яқиний ҳулоса асосида уларга профилактик ҳисобдан чиқариш буйича тавсияномалар берилди.

Маълумот учун айтиш керак, Иттифоқ сай-ҳаракати билан ҳозирга қадар Самарқандда 202 нафар воёга етмаган шахс ана шундай тавсияномаларга эга бўлган.

YOSHLIK ILHOMI

Яшнар ВОИСОВ

Ибрат

Сүлим боғда икки аёл ўтирарди.  
— Болангизга китоб ўқишни қандай ўргатгансиз? — гап бошлади бири боласининг ҳозиргина “Инстаграм”-га қўйган суратига лайк босаётди.  
Ёнидаги аёл эса, хиёл жилмайиб кўлидаги китобни ёпти-да, ҳикоя ўқишдан бўшамаётган боласининг бошини силаб қўйди.

Кичкина фарқ

Қошларини чимириб бобосидан қолган эски “Жигули”ни тузатаётган отанинг ўғлига кўзи тушди. Фарзанди қуйиб қўйгандек ўзи эди, у пластмасса машина филдирагини жойига ўрнатиш билан овора эди.

Зебо НУР

Бир ҳақида эртак

Бир кунни Бир Иккинни яхши қўриб қолибди. Иккиннинг кўнгли эса, Учда эди. Буни эшитган Бирнинг дили вайрон бўлиб, ҳеч қачон ҳеч кимни севмасликка қарор қилибди. Шундан буён Бир ёлғиз яшар экан...

Оғриқ

— Кеча сизга айтганим дўкондаги оқ туфли бор эди-ку, ўшани сотиб юборибди. Пулни ўз вақтида топиб берганингизда эди, бугун кун бўйи пойабзал излаб юрмасдим, оёқларимни чарчатиб!  
Эр шу туфлини деб олган қарзини узиш учун оғир меҳнат қилиб, қавариб кетган кўллари билан аёлининг оёғини уқалар экан, юраги бир санчиб қўйди-ю, аммо сездирмади...


Меҳр

— Сен юзимга ажин, сочимга оқ тушганида ҳам мени яхши кўрасанми?  
— Ҳа.  
— Борди-ю, касал бўлиб қолсам ҳам яхши кўрасанми?  
— Албатта!  
— Айтганларингни сотиб олишга пулим қолмаса ҳам яхши кўрасанми?  
— Ҳеч қачон бундай бўлмайди-а? — деди қиз йигитнинг кўлидан ушлаб.

Фалсафа

— Ойижон, укамни ёмон кўрасанми?  
— Нега бундай дейсан, қизим? — тўлғоқ азобини унутиб, кўзидаги ёшини артар экан, аёл хайрат билан қизчасининг бошини силади.  
— Унда нега укамни ютиб юборгансиз?!..

БЎЛМА БИЛИМ ЗАВОЛИ, ТУТАР БИР КУН УВОЛИ.



Рассом: Жаҳонгир МИРЗО

BILASIZMI?

БМТ 2018 йилда дунёни пластик ашёларга қарши курашишга сафарбар этди. Маълумотларга қараганда, агар океанлар мазкур турдаги чиқиндидан тозаланмаса, 2050 йилга бориб уларда пластик ашёларга миқдори балиқлар сонидан ошиб кетиши мумкин.



Жаҳонда ҳар йили паспортлар индекси тузиб чиқилади. Унга кўра, ҳозир Ўзбекистон 76-погонани банд этган. Яъни, республикаимиз фуқаролари 59 мамлакат, шу жумладан, Боливия, Эквадор, Никарагуа, Уганда, Мадагаскарга виза олмай бориши мумкин.

Амалдаги рейтингда эса, 1-ўринни Япония банд этган. Бу юрт вакиллари нақ 189 мамлакатга визасиз саёҳат қила олади.

ЁЛҒИЗЛИК

Сарвиноз МАМАНОВА

Унинг умри тезоқар сувдек “шув” этиб ўтдию кетди. Буни ўзи ҳам пайқамай қолди. Ёшлигидан феъли чатоқ эди. Устозларига гап қайтариб, ўзини зўр қилиб кўрсатишни яхши кўрарди.

“Кўрслигини ташла”, — деб отанаси койирди мудом. “Ҳали ёшман, ўйнаб-қулишим керак”, — деди. Кейин ўқишни тамомлади, рўзғор ташвиши елкасига тушди. Бироқ кўрслигию сурбетлиги қолмади. Қаерда ишламасин, шулар деб панд еб юрди. Бировни гапини қулоққа имлади. Кўпга бормай оиласи ҳам парчаланиб кетди. Мана энди, ҳамма нарсдан айрилгач, ўша “феъли” билан ёлғиз яшамоқда.

MENING FIKRIM

“БИЗ НИШОНДАМИЗ, ҚУЛОҚЛАРИНГНИ ЁП!”

Назозат ҚАЛАНДАРОВА, ўқитувчи

Тунов кунни шифохонанинг кутиш залида хунук воқеага гувоҳ бўлдим. Чамаси элик яшар эркак аёли ва қизини куракда турмайдиغان сўзлар билан ҳақорат қиляпти. Атрофдагилар ҳайрон. Ҳамма томошабин, аммо биров оғзи ботирни бориб тинчитай демайди. Ваҳоланки, хонада болалар ҳам бор эди.

...Ёлғиз оху боласи билан чўққи томон кетаётди, саяёнинг нишонга олганини пайқайди. Боласига сўз қотди: “Қароим, биз нишондамыз, қулоқларингни ёп!”

— Мен ўқ овозидан кўркмайман, — жавоб берди ёш оху.  
— Овчига фириб берамиз. Ўлжадан айрилагач, табиийки, у ёмон сўз айтиб бақиради. Қулоқларингни ана шу сўзлардан

асрамоқчиман.  
Афсонада ҳақиқат тажалли этган. Юқоридаги каби ҳолатларни кўча-кўй, жамоат жойлари ва транспортда кунда-кунора кузатадиган бўлиб қолдик. Жаҳлимиз чиқса-да, парво қилмай ўтаверамиз.

...Америкадаги ҳинду қабилалари орасида гайриоддий одат бор. Улар қўришганда бир-бирининг юзига тупуради. Қанча қуюқ тупурса, шунча “хурмати юксак” саналар экан. Бу каби илатлар урчимаслиги учун, аввало, ҳар бир инсон ўз хурматини билмоғи даркор.

Фикримча, жамоат жойларида одоб-тартибни сақлаш мақсадида жаргон сўзлардан фойдаланишни тақиқлаб, бунинг учун маъмурий жазо белгилаш керак. Зеро, сўкинмиш одамлар учун нафас олишдек одатий ишга айланмасин!

1 САВОЛГА 1 ЖАВОБ



— Икки нафар фарзандим боғчага боради. Боғча пулини тўлашда қийналяпмиз. Бирон имтиёздан фойдалансам бўладими?

Шаҳноза МУҲСИНОВА Самарқанд шаҳри

Саволга ҳуқуқшунос Асрор ЭРГАШЕВ жавоб беради:

— Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Молия вазирликлари

томонидан 2016 йилда тасдиқланган “Мақтабгача таълим муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотидаги ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида”ги низомга асосан, кам таъминланган оилалар мактабгача таълим муассасаси учун тўловдан озод қилинади. Аммо бундай имкониятдан боғчадаги оилавий шароити оғир болаларнинг кўпи билан 15 фоизи фойдаланиши мумкин.

Имтиёз, биринчи гада, ўртача ойлик даромади энг паст даражада бўлган оилалар фарзандлари, шунингдек, ота-онасидан бири ёки иккаласи I ёхуд II гуруҳ ногирони бўлган болалар учун кўзда тутилган.


Тўловдан озод қилинувчилар маҳалла томонидан тақдим этилган оиланинг мулкий аҳволи тўғрисидаги маълумотнома ҳамда тегишли мактабгача таълим муассасаси ота-оналар кўмитасининг ҳулосасига кўра аниқланади. Рўйхат 25 сентябрга қадар шаклланади. Лекин у ўқув йили давомида қайта қўриб чиқиши ва янгиланиши мумкин.

(Ёш ҳуқуқшунослар кенгаши билан ҳамкорликда тайёрланди).

«ЎЗБЕКИСТОН ТАБИАТИ» BILIMDONLIK MASHQLARI

etilgan, Qashqadaryo viloyatidagi Balandtog' rasadxonalar majmuasi, Astronomiya institutining kuzatuv bazasi. 14. Oshko'k ekin.

15. Poyasidan tola, urug' idan moy olinadigan ekin. 16. Shoxli, kamyob tog' jonivori. 17. Kichik daryo. 18. Umboqiy sersoya darast.



Tuzuvchi: Foziljon ORIPOV

МУАССИС  
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ  
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ  
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.  
БОШ МУХАРРИР  
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАХРИР ХАЙЪАТИ  
Қамолитдин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош муҳаррир ўринбосари (“Yoshlar ovozi”); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари (“Молодежь Узбекистана”); Елена Калинина — масъул котиб (“Молодежь Узбекистана”).

Дизайнер  
Абдуллаев Хуршид  
Ўқтамжонович  
Норбоев Жамолиддин  
Жуманазар ўғли  
Навбатчи  
Тумарис Бутунбаева

«YOSHLAR OVOZI»дан материалларни кўчириб босиб таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.  
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.  
(371) 233-79-69 (факс).  
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.  
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.  
Индекслар: 203, 3203  
Баҳоиси қилинган нарҳда.  
Буюртма Г. 636  
Адади — 21676  
Босмага топшириш вақти — 21.00  
Топширишда — 22.45  
ЎЗА ялчи — 21.25